# ФАРҒОНАЛИК ЖУРНАЛИСТ РАСУЛЖОН КАМОЛОВ “ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ” РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ БЎЛДИ

Бугун Тошкентда, Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Йилнинг энг яхши журналисти” республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Бу йилги “Йилнинг энг фаол журналисти” танлови ғолиблигига Ўзбекистон журналистлар уюшмаси электрон манзил ва мурожаат ботига мамлакатимиз бўйича уч юз нафардан кўпроқ журналист-ижодкорлар тавсия этилди. Танлов 9 та номинация бўйича ўтказилди.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг Фарғона вилояти бўйича мухбири Расулжон Камолов, “Соғлом турмуш тарзи ва спорт мавзуси ёритилган энг яхши материал учун” йўналишида “Йилнинг энг фаол журналисти” республика кўрик-танлови ғолиби бўлди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-12-28 16:32:37